

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 27 июнь, шанба. № 49 (144142)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!

Қадрли журналистлар ва матбаачилар!

Сизларни касб байрамингиз -- матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан самимий муборакбод этаман. Зотан, бу байрам нафақат сизлар, балки бутун халқимиз хуррият, озодлик, сўз ва фикр эркинлиги рамзи сифатида нишонлайдиган қутлуғ кундир.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида одамларимиз онги ва тафаккурида кескин бурилиш юз берди. Жамиятимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий жиҳатдан тобора соғломлашди. Бу кундалик ҳаётимизда ҳам, мақсад ва интилишларимиз фуқароларимиз руҳиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Кишилар қалбида миллий гурур, миллий ифтихор ҳисси тобора кучайди.

Ана шундай жиддий маънавий-руҳий янгиланишларда журналистлар ва матбаачиларнинг ўз ўрни бор. Улар янгиликлар жарчиси, ислохотлар тарғиботчиси, давлат ва жамият ўртасида ҳолис воситачи сифатида ва шу билан ҳаётини муаммоларга онгли ёндашувчи ёшларни тарбиялашда фаолият кўрсатмоқда.

Шуни мамнуният билан айтаманки, истиқлолнинг ўтган даврида журналистларимизнинг ҳам тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Матбуотимиз тобора миллий шакл, миллий мазмун, миллий қиёфа касб этиб бормоқда.


Янги ХХI аср ақл-идрок, маънавият ва тафаккур асри -- соғлом мустақил фикр, соғлом гоё, умуминсоний қадриятларга таянган тафаккур тантана қиладиган аср бўлади. Ана шундай пайтда ҳаётимизда матбуотнинг роли яна ҳам ошади. Унинг вазифаси ва жамият олдидagi масъулияти кенгайди. Журналист сўзининг салмоғи ошади. Шундай экан, матбуотимиз ўзининг иқтидорини, куч-қудратини, бутун салоҳиятини, тажрибаларини бойитиб бориши шубҳасиз.

Азиз дўстлар!

Сизларни касб байрамларингиз билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга тинчлик-омонлик, ижодингизга барака, жамият ва халқ олдидagi гоётда масъулиятли ишларингизда муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти

Ислом КАРИМОВ



ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИ КОМПЬЮТЕРДА ТОПШИРИЛАДИ

Республикаимизнинг таълим-тарбия соҳасида замонавий услубларни ўзлаштириш яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу борада Қарши Давлат университетида олиб борилаётган ишлар, айниқса диққатга сазовор. Яқинда бу илм масканида мамлакатимизда биринчилардан бўлиб битирувчи талабаларнинг давлат имтиҳонларини компьютер ёрдамида топшириш йўлга қўйилди.

-- Бу йил университетимизни 500га яқин талаба битириб чиқади, -- дейди иқтисод факультети декани, академик Норбой Узоқов, -- Давлат имтиҳонларининг компьютерда топширилишига ўтилиши талабаларнинг ҳам, педагогларнинг ҳам кўнгилдаги иш бўлди. Компьютерда имтиҳон топшириш талабаларни ўз устида янада қаттиқроқ ишлашга мажбур қилмоқда. Янги усулнинг мана шундай афзалликларини ҳисобга олиб, оддий имтиҳонларни ҳам компьютер ёрдамида олишни йўлга қўймоқдамиз.

Суратда: Иқтисод факультетининг битирувчи талабалари компьютерда имтиҳон топширишяпти.

Ш. ШАРАПОВ (ЎЗА) олган суратлар

ХОТИРА ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРАДИ

Мустақилликка эришилган биринчи кунларданоқ олдимизга қўйган вазифалар орасида ватандошларимиз асрлар давомида орзу қилган фаровон, тинч-тотув ҳаётга эришиш, фарзандларимизнинг бахтини кўриш умидлари, ўзгалардан кам билмаган, ҳавас қилишга арзийдиган муносиб ҳаёт қуриш туйғулари, эзгу ва улғу ниятларимизни амалга оширишда маънавий камолот сари интилиш, шу асосда барча элат ва миллатга мансуб кишиларнинг бошини қовуштириш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимизни бирлаштириш мақсадлари алоҳида ўрин тутади.

Яқинда Президент ҳузурида бўлиб ўтган кенгаш мана шу сўзлар билан бошланди. Кенгашда мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган, анъанага айланган 9 Май байрами - Иккинчи жаҳон уруши тугаган кунни нишонлаш билан боғлиқ маросимлар ҳақида, бу йилги тадбирлар пайтида Президентимизнинг уруш қатнашчилари билан учрашувда билдирган фикрлари, шу фикрлар атрофида матбуотда баён этилган изоҳлар ва шарҳлар ҳақида сўз борди. Бу маросимларни ўтказиш ва уларга халқимизнинг ҳурмат-эътиборини ошириш хусусида фикр алмашилди.

Ҳақиқатан ҳам, Иккинчи жаҳон уруши якун топган кун эллик уч йилдирки ҳам қувонч, ҳам армон туйғулари билан ёд этилади. Бу машъум урушда 50 миллион киши ҳалок бўлди, беҳисоб одамлар майиб-мажруҳга айланди. Она ватанимиз Ўзбекистонда ҳам бу уруш қулфатини торتماган оила йўқ, десак муболага бўлмайди. Ўзбекистонлик 450 мингдан зиёд йигитга жанг майдонларидан қайтиш насиб этмади. Улар ўз жасорати, шаҳид кетган

жонлари билан башариятнинг фашизм вабосидан асраб қолишга унутилмас ҳисса қўшдилар.

Мустақиллик йилларида уруш қурбонлари ва иштирокчиларига халқимизнинг муносабати тобора теранлашиб, ҳолислашиб бормоқда. Бу тарихий санага сохта муфкуравий ёндашув барҳам топиб, кўпроқ унинг маънавий жиҳатларига, асл моҳиятига ва аҳамиятига, урушда жон берган аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги амалий ишларга асосий ўрин берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мухтарам Ислом Каримовнинг бу масалага нақадар катта инсоний эътибор билан қараб келаётгани жамонатчиликка яхши маълум. Шундай бўлса-да, бу соҳада у кишининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги билан амалга оширилган ишларнинг айримларини санаб ўтиш жоиз: Фалабанинг 50 йиллиги нишонланган 1995 йилда Президентимиз фармонида кўра урушда иштирок этган ва фронт орқасида меҳнат қилган юз минглаб юртдошларимиз ҳукумат мукофотлари, турли имтиёзлар билан тақдирланди. Шундан яна бир савоб ишга қўл урилди: урушда қурбон бўлган 450 минг аскарнинг исми-шарифи зикр этилган 33 жилдан иборат «Хотира» китоби нашр қилинди. Ҳар йили шу байрам арафасида Президентнинг махсус фармонига кўра уруш фахрийларини тақдирлаш тадбирлари ўтказилмоқда.

Албатта, урушда шаҳид кетган аждодларимизни, ҳондонларимизнинг файзи бўлган дуоғўй ота-боболаримизни жангларда кўрсатган мардлик ва матонат, тортган азоб-уқубатлари учун ҳар қанча ардоқласак арзийди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг яхши журналисти -97» танлови якунланди. Танловда республикаимизнинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида яшаб, ижод қиладиган юзга яқин журналист, фотожурналист иштирок этди.

Мустақил Ватанимиз ҳаётининг барча жаҳалларида амалга оширилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларини, жўшқин

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

ҳаёт манзараларини оммавий ахборот воситаларида кенг ва ҳаққоний ёритаётган, ўз ижод маҳсуллари билан матбуотимизнинг янада демократлашувига ҳисса қўшаётган энг фаол, энг маҳоратли журналистлар танловда совриндор бўлдилар.

Танлов голиблари:

Қуддус Аъзамов - Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси, «Юзма-юз», «Акс садо» мунтазам кўрсатувлари учун;

Нигина Бойқобулова - «Правда Востока» газетаси ходими, халқаро мавзудаги таҳлилий мақолалари учун;

Назира Хўжаева - ЎзАнинг Наманган вилоятидаги муҳбири, ижтимоий-иқтисодий мавзудаги мақолалари учун;

Икром Ўтбосаров - «Халқ сўзи» газетаси бўлим мудири,

иқтисодий мавзудаги мақолалар туркуми учун.

Иккинчи мукофот совриндорлари:

Маҳмуд Абулфайз /«Оила ва жамият»/, Тимур Греков /Ўзрадио/, Гулчехра Жамилова /«Саодат»/, Гулнора Маҳкамova /ЎзТВ/, Тошпўлат Раҳматуллаев /«Самарқанд»/, Тўхтамурод Тошев /«Адолат»/, Аъло Хўжаев /«Ташкентская правда»/, Олег Шатуновский /«Жаҳон» ахборот агентлиги/.

Учинчи мукофот совриндорлари:

Абдимутал Абдуллаев /«Андижоннома»/, Маҳмуд Жўраев /«Қишлоқ ҳаёти»/, Қулназар Иброҳимов /«Нурлы жол»/, Саидмурод Норбоев /«Жиззах ҳақиқати»/, Даврон Орипов /«Хуррият»/, Омирбой Отеулиев /«Еркин Қорақалпоқистон»/, Алимкул Султонов /«Ўзбекистон овози»/, Саидмурод Тиллахўжаев /Ўзрадио/, Абдувоҳид Тўраев /ЎзА/, Раим Фарҳодий /«Народное слово»/, Шерзод Қудратхўжаев /ЎзТВ/, Алиназар Эгамназаров /«Комус»/.

Мукофот муборак, азиз ҳамкасблар!



(Аввали 1-бетда)

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президентини бу байрамни Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларни хотирлаш, айни вақтда ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларининг қадр-қимматини жойига қўйиш кунини сифатида нишонлаш ғоясини олға суриб келмоқда.

Бошқача айтганда, Президент 9 май байрамини шўровий дунёқараш, коммунистик нуқтаи назардан туриб дабдаба қилиш ўрнига унга бугунги

«Бу ерга келатганимда, - деди Президент, - қаҳрамон шахрлар номлари ёзилган лавҳаларга кўзим тушди. Бу номлар олтин ҳарфлар билан ёзилган. Албатта, уларга бу ном бекорга берилмаган.

Айни пайтда ўтган галги Галаба байрами кунини мана шу ерда айтган гапларимни яна бир бор такрорламоқчиман. Ўзбек йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб жон бераётганида ишончим комил-

нинг 1400 нафардан зиёди ўзга ўлкаларда шахид кетди. Биз триклар ана шу сафдошларимизни, тенгқурларимизни, ёш авлод эса ота-боболарнинг номларини унутмасликларига керак. Хотира ёдгорликларидан барча шахидларнинг номлари абадиётга муҳрланмоғи лозим...

Яқиндагина саксон ёшли тўйини нишонлаган отахон адбимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга сазовор:

«Одамзод онгли ҳаёт кечираётган замонлардан бери беш минг йил ичида ўн тўрт минг марта уруш кўрди. Бу қиргин-баротларда не-не давлатлар, эл-элатлар, шаҳар-қишлоқлар йўқ бўлиб, миллион-миллион бегуноҳлар қирлиб кетди. Аммо шу урушларнинг бирортаси на кўламини, на унда қатнашган кучлар, қўрилган талофатлару қурбонлар жиҳатидан 1941-1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган урушга тенглаша олмайдими.

мазмунидан тортиб меъморий ечимига қадар бўлган барча жиҳатларни аниқ-равшан тусунтириб, изоҳлаб берди.

«Ёдгорликнинг марказий қисмида она Ватан тимсоли акс эттиши керак. Уруш туфайли беҳад қайғу-жафолар чеккан, фарзандлари доғда кўз ёшлари дарё бўлиб оққан мунис ва муштипар, мотамсари Она сиймоси Ватан рамзини ифодалаши лозим. Унинг маҳзун қиёфаси, гапнинг нигоҳи чексиз аламини акс эттириш билан бирга одамзотни хушёрликка чорлайдиган, ҳеч қачон уруш ва қиргинларга йўл қўймасликка, уларнинг олдини олишга даъват этадиган маъномазмунига эга бўлиши керак.

Урушда қурбон бўлганларнинг номларини ўн тўртта рамзий Хотира китобига (Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг сони) зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйиш зарур. Бу хотира китобларини бетакрор меъморий усул билан яратиш лозим. Токи уларда юртимизнинг ҳар бир вилоятига хос руҳ ва нафас ифодалансин. Хотира китоблари саҳифаларига «мангу олов» ёғдуси шуъла сочиб, қурбонлар ёдини нурафшон этиб турсин. Умуман олганда, ёдгорлик мажмуини барпо этишда ҳайкалтарошлар, меъмор ва дизайнерларимиз, қурувчиларимиз миллий руҳ, миллий шаклга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Биз шундай таъсирчан меъморий ансамбль яратишимиз керакки, бу муқаддас зиёратгоҳга ташриф буюрадиган ҳар бир инсон кимлигидан, миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, халқимиз асл фарзандларининг хотираси қаршида ҳурмат бажо айлаб сукутга чўмсин, элим деб, юртим деб, ватандошларим деб, уларнинг бахту саодати деб олис жанггоҳларда шахид бўлган инсонлар хотираси билан бевосита

«номаълум» деб аташ фашизмга қарши курашда қурбон бўлган шахидлар хотирасига соя солади. Уларни гўёки бизга дахли, алоқаси йўқ бегона кимсаларга айланттириб қўяди. Шу сабабли бу иборани ўрнига «шаҳид аскар», «қурбон бўлган аскар» деган ибораларни ишлатсак, ўйлайманки, халқимизнинг миллий табиати, урф-анъаналарига хос ва мос иш тутган бўлаемиз.

«Номаълум солдат» қабри тепасига ёзиб қўйилган «Сенинг исминг номаълум, жасоратинг абадий» деган сўзларни ҳам ўйлаб кўриш керак. Йўқ, биз учун шахид юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум, ҳеч қачон унутилмағай. Биз уларнинг номи билан бирга жасоратини абадийлаштиришимиз лозим. Шунинг учун Хотира хиббони бунёд этганимизда қаҳрамонликни, ватанпарварликни улуғловчи, халқимизнинг руҳиятига мос тушадиган, одамнинг юрак-юрагига етиб борадиган таъсирли сўзларни топиб, ёдгорлик пештоқида абадий нақш этишимиз керак. Бундай сўзларни балки Алишер Навоийдан, балки Яссавийдан, балки муқаддас Ҳадислардан топиш мумкиндир.

Инсон хотирасиз, ўтган кунлар ёдсиз яшай олмайди. Йиғилишда Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон берган қурбонлар, уруш баҳонасида мустамлака тузуми халқимиз бошига солган беҳисоб жабр-зулмлар ҳақида ҳам фикр билдирди.

«450 минг ҳалок бўлган аскар - бу расмий маълумотга кўра жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг сони, ҳолос. Аммо жанггоҳларда асир тушиб, фашист лагерларида жон

ХОТИРА

реал воқелик кўзи билан қараб, унинг асл моҳиятини очиб бериш зарурлигини таъкидламоқда.

Ҳаёт талаби, мафкуравий сиёсатимиз, ёшларимизни маънавий соғлом этиб тарбиялаш мақсадлари шунини тақозо этмоқда. Бинобарин, бу байрамнинг маъно ва мазмунини, шаклини, тарғибот усулларини, бугунги турмушимиздаги ўрни ва аҳамиятини жиддий ўйлаб кўриш, бу хусусда бош қотириш зарур.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Турли миллат, турли элатга мансуб миллионлаб кишиларнинг дарё-дарё қони, торган мислсиз азоб-уқубатлари эвазига эришилган бу галаба бугунги кунда айрим собиқ совет республикаларидаги бир тўда шовинистлар, сохта ватанпарварлар қўлида дастак бўлиб қолмоқда. Улар бу байрамдан СССРнинг кўмсаши, уни тиклашга уриниш, коммунистик «дорилмон кунлар»ни қайтариш учун бир восита сифатида фойдаланмоқдалар. Бундай сиёсат остида қандай мақсад ва манфатлар ётганини тасаввур қилиш қийин эмас. бу тарихий санани сохта ақидапарастлар қўлидаги ташвиқот қуролига айлантириб қўймаслигимиз лозим. Бу, аввало, ўша қурбонлар хотирасига ҳурматсизлик, десак, ҳеч қандай муболага бўлмас.

Чунки энди замон, тараққиёт ҳаёт синовларига бардош беролмаган эски мафкурани кўтармайди. Хусусан, озодликка эришган мамлакатнинг истиқлол мафкураси бундай ёндашув билан асло муро-са қилолмайди.

Агар шу ҳаётини хулосани тўғри англаш, деб уқтиради Президент, унинг негиздаги ҳақиқатга етиб борсак, 9 Майни урушда қурбон бўлганларни эслаш, уларнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром бажо келтириш, ҳозир сафимизда ҳаёт бўлган уруш қатнашчилари - ота-боболаримизга иззат-икром кўрсатиш кунини сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган фахрийларимизни қўлдан келганича асраб-ардоқлаш, яхши сўз билан кўнглини кўтариш, ҳурматини бажо келтириш, умрини узайтиришга ҳаракат қилиш бугунги авлод учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Ўйлайманки, бу аввало савоб. Қолаверса, ўзбекчиликка ҳам, мусулмончиликка ҳам мос келадиган иш бўлади, дейди Президент.

Шу йил 9 Май кунини юртимиз раҳбари Мустақиллик майдонида жойлашган Номаълум солдат қабрини зиёрат қилаётганида матбуот вакиллари гап интервью берган эди. Интервьюда билдирилган баъзи фикр ва мулоҳазаларни қайта эсласак:

ки, шу шахрларни эмас, авваломбор ўз уйлари, оқ ювиб оқ тараган меҳрибон оналарини, сеvimли ёрларини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғларини дўст-биродарларини ўйлаганлар. Ҳамюртларимиз урушда Европадаги қандайдир тепалик ёки қаҳрамон шахрлар учун эмас,

ХАЛҚНИ

биринчи навбатда, жонажон юртимиз, унинг озодлиги ва мустақиллиги, ёруғ келажаги учун жон фидо қилганлар».

Моҳият эътиборига кўра биз ўрганиб қолган эски тушунча ва кўникмалардан буткул фарқ қилувчи бу ҳароратли сўзлар ҳар бир кишини чуқур ўйга толдириши табиий, албатта.

Шу суҳбатда давлатимиз раҳбари Номаълум солдат қабри атрофини Хотира хиббонига айлантириш ҳақида янги бир таклиф билдирди.

«Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб, жанг майдонларида ҳалок бўлганларнинг хотирасини абадийлаштирсак, уларнинг ҳурматини жойига қўйсак, жуда савобли иш қилган бўлур эдик. Менимча, Иккинчи жаҳон урушида шахид кетган барча азиз юртдошларимизнинг хотирасини пойтахтимизнинг Марказий майдонида абадийлаштиришимиз лозим».

Президентимизнинг чуқур ҳаётини мантиққа асосланган бу фикрлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. айниқса, ўша қонли жанггоҳларда ўлимларни доғда қолдириб шу кунларга етиб келган нуруний оталаримиз - уруш қатнашчилари бу таклиф юзасидан қизгин мулоҳазалар билдиришди.

«Юртбошимизнинг ҳар қандай оддий инсон қалбига тез етиб борадиган самимий ва таъсирчан сўзлари менинг қалбимда ҳам ўчмас акс садо уйғотди, - дейди Собир Раҳимов туманидаги Истиқлол маҳалласининг оқсоқоли, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мухомбек Тўраев. - Жасорат кўрсатган, қурбонлар берган халқни ёдламоқ биз трикларнинг бурчидир. Президентнинг Тошкентда Хотира майдони ташкил этиш, унда Қорақалпоғистон ва барча вилоятларимиз ҳамда Тошкент шаҳридан урушга кетиб ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик мажмуи барпо этиш тўғрисида билдирилган ажойиб фикрлари қалбимда олов ёққандай бўлди...»

«Президентимизнинг 9 Май кунини чин юракдан айтган беҳад таъсирли сўзларини эшитиб кўзларимга ёш келди, - деб ёзади Боғот туманида истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ ногирони Оғабой ота Сотиболдиев. - Бизнинг биргина Боғот туманида урушга отланган йигитлар-

Бу урушда ўзбек халқи ҳам унинг барча даҳшатини татиб, жабри-жафосини тортиди. Бево-сита жангларда бир ярим миллион юртдошимиз жон олиб жон берса-да, бутун ўзбек халқи фронтча ишлаб, фронтча яшадим.

Қадриабод одамларни ёдламоқ триклар учун фарздор. Шу боисдан Президентимизнинг бу ташаббусини тўла қўллаб-қувватлайман, - дея фикрини давом эттиради кекса адиб ва

бўлғуси Хотира мажмуини миллий мазмун ва шаклда барпо этиш юзасидан ўз таклифларини баён қилади.

«Ислом Абдуғаниевичнинг биз - уруш иштирокчиларига кўрсатаётган доимий диққат-эътиборини доимо сезиб яшаймиш! - дейди яна бир уруш фахрийси И.Баликов. - Пойтахтимизда Хотира хиббони ташкил этиш, унда урушда ҳалок бўлган барча ўзбекистонлик аскарларнинг номма-ном эсланиши - бу ниҳоятда олижаноб ғоядир. Бу катта ватанпарварлик аҳамиятига эга иш бўлиши шубҳасиз».

Кунини кеча Президент ҳузурида бўлиб ўтган ўша кенгашда давлатимиз раҳбари яна шу мавзуга қайтиб, мутасадди раҳбарлар, мутахассислар диққат-эътиборини пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида барпо этилиши мўлжалланган Хотира хиббони қурилишини тезлаштириш масаласига қаратди.

«Савоб ишларни асло кечиктирмаслик керак, - деди Президент. - Афсуски, бизда кампани-ябозлик касали кучли. Баъзан эзгу мақсад билан бошланган ишларни ҳам кампанияга айлантириб икки-уч кун шов-шув қиламиз-да, кейин ўз ҳолига ташлаб қўямиз. Хотира хиббони масаласида асло бундай бўлмаслиги лозим. Чунки бу барчамизнинг умумий ишимиз, умумий дардимиз. Бу хиббон жамиятимиз маънавий ҳаётида улкан тарбиявий аҳамият касб этадиган табарруқ қадамжол бўлиб қолиши шубҳасиз».

Сўнгга Президент бўлғуси ёдгорлик мажмуининг ғоявий

дахлдорлик туйғусини ҳис эта билсин».

Президент ўз сўзида «номаълум солдат» тушунчаси хусусида ҳам тўхталиб ўтди.

«Аслида, «номаълум солдат» дегани нима? У қандай маънони англатади? Бу ибора русчадан олиниб, кўр-кўрона таржима этилган. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, унинг ўзбек тили табиатига ҳам, ўзбек халқи табиатига ҳам бегоналигини яққол сезиш мумкин. Негаки биз «номаълум» деганда кўпроқ ҳеч ким танимайдиган, ҳеч ким билмайдиган, зоти-зурриёдининг тайини йўқ кимсани тушунамиз. Аммо наинки фашизм вабосига қарши омонсиз жангларда жонини фидо этган салкам ярим миллион юртдошимизни «номаълум» деб ўтирсак! Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби, ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр ҳасрат бўлиб яшайди-ку! Уларнинг шу қаттол урушда ҳалок бўлган маълум-ку! Қандай қилиб уларни бугун «номаълум солдат» деган мавҳум ибора билан атаб, ўзимиздан узоқлаштиришимиз керак? Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми!

Нима учун биз ҳаёти, номи маълум ва қадрдон бўлган ота-боболаримиз, ўша даҳшатли уруш йилларида ҳалок бўлгани бир нарча қорахат орқали хабар этилган ажодларимиз хотираси пой-ида эмас, балки аллақандай «номаълум солдат» олдида бош эгишимиз керак?

Менинг фикримча, уларни

берганлар, бедарак кетганлар - булар қайси рўйхатга кирган? Уларнинг тақдири, хотираси билан ким қизиққан? Уларни ким икки оғиз илиқ сўз билан эслаган? Ёки фашист асирлигидан қутулгач, «халқ душмани» сифатида айбланиб совет тутқунлигида Магадан конларида, Колима ўрмонларида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг ҳисоб-китоби борми?..

Ана шу одамларнинг тарихини ўрганиш, хотирасига муносиб иззат-икром кўрсатиш биз - бугунги авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарздор».

Бу фойин дунёдан ўтганлар хотирасини эъзозлаш, ҳамиша ёдда сақлаш - халқимизга хос эзгу фазилат. Шунинг учун ҳам Хотира хиббони барпо этиш ҳақидаги юртбошимиз таклифи ва ташаббуси халқимиз, миллатимизнинг айни кўнглидаги иш бўлиши шубҳасиз. Энди энг шимариб, пок ният ва улуг мақсадлар билан амалий ишга киришиш вақти етди. Президент таъкидлаганидек, сохта рамзлар эмас, тирик хотира халқини бирлаштиради. Унинг руҳига малҳам бўлади. Иродасини бақувват, иймонини бут қилади. Бўлғуси Хотира хиббонига шу қадар катта эътибор бераётганимизнинг сабаби ҳам ана шунда.

Ишончимиз комилки, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бу савоб ишдан четда қолмайди.

Хайриддин СУЛТОНОВ

БИРЛАШТИРАДИ

“Туркистон” газетаси тахририяти олий ўқув юртлари ректорларининг маънавият ва маърифат масалалари билан шуғулланувчи биринчи проректорлари ва талабалар билан уюштирган давра суҳбати мавзуси ўз-ўзидан матбуотда эълон қилинган Президент Ислам Каримовнинг “Тафаккур” журнали Бош муҳаррири саволларига жавобларига бориб тақалди. Унда Навоий давлат кончилик институтидан фан доктори, профессор Сулаймон Иноятлов, Фаргона Давлат университетидан фалсафа фанлари доктори, профессор Васида Каримова, Бухоро Давлат университетидан филология фанлари доктори Илҳом Ганиев, Тошкент Давлат иқтисодиёт университидан фалсафа фанлари доктори Исмоил Сойишназаров, Андижон Давлат муҳандислик-иқтисодиёт институтидан Муҳиддин Назаров, фарғоналик талаба, Президент стипендианти Наргиза Қосимова иштирок этишди. Катнашчилар бу суҳбатда ёшларга таълим-тарбия бериш масалаларига алоҳида эътибор берилганини таъкидлашди.

С.ИНОЯТОВ: -- Президентнинг “Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартариб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олийжаноб мақсад -- озода ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди” деган сўзларини унутмаслигимиз керак.

Ўтмишимиз, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига ҳисса қўшган олим-фузаларнинг мероси ҳозирги куннинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда ҳам муҳим йўл-йўриқлар бўлмоқда.

Масалан, айрим ёшлар ўртасидаги ақидапарастлик миллатимизга хос эмаслиги унга қарши курашишнинг энг мақбул йўлини қандай топиш мумкин? Бунинг учун буюк аجدларимиз-

нинг илмий мероси, ҳаёт йўлига назар солиш кифоя. Улар нафақат диний, балки дунёвий билимларни эгаллашга ҳам интиллани боис, ўз соҳаларида буюк сиймо даражасига етганлар. Ақидапарастлар фикрича, биз фақат диний билимлар олиш билан чегараланиб қолишимиз керак эмиш.

Мустақилликкача бўлган етмиш йиллик тарихимизни эсласак, коммунистик ақидапарастлар ҳам бизни ўз ўтмишимизни унутишга мажбур қилиб келди. Демак, диний ва коммунистик ақидапарастлик ўртасида ўхшашлик бор.

Бир мисол. Большевиклар 1924 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратлари зиёратгоҳини вайрон этиб, у ерда ўғит сақлаганлар. 1956 йилда Индонезия Президенти Москвага келганида Имом ал-Бухорий қабрларини зиёрат қилмоқчи эканлигини билдиради.

Москвадан Тошкентга сим қоқилади. Ўзбекистоннинг ўша даврдаги раҳбарлари Имом ал-Бухорий қабрини қидиришга тушишади. Узоқ қийинчиликлардан сўнг уни Челақдан топишади.


Ҳақиқатан ҳам мустақил даврда ўтмиш қораланди, шахс сифатида ўзлигимизни унута бошладик. Шу сабабли ҳам биз ўз истиқлол мафкурамизни яратиб, уни шакллантиришимиз керак.

В.КАРИМОВА: -- Хўш мафкура нима? У ҳар бир даврда давлатни шакллантирадиган гоёлар мажмуидир. Бу гоёлар замирида эса мақсад ётади. Мақсад ҳар бир инсоннинг ўзи қиладиган ишларини олдиндан кўра билиши, тасаввур этишидир. Мафкура соҳасида ҳеч бир даврда бўшлиқ бўлмаган. Зеро, бундай бўшлиқ иқтисодий инқирозлардан ҳам, сиёсий ёки ҳарбий таназзулдан ҳам хавфлироқдир. Айтайлик, шахс бор, аммо унда мафкура йўқ. Демак, унданда кўрқинчлироқ одам бўлмайди. Чунки мустақил фикри, мушоҳадаси йўқ одам манкуртдир. Ундай инсонлар ҳар томонга

оғиб кетавериши мумкин.

Ислам Каримов Олий Мажлис сессияси минбаридан туриб, бизга ўрта мактаб ёки олий ўқув юртларини битираётганлар эмас, балки шахслар керак, деган эди. Зеро, мукамал шахсларгина жамият таянчи бўла олади. Биз ҳақиқий комил инсонларни етиштириб билсак, улар мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқади. Олган билимларигагина амал қиладиган кадрларни, “битирувчилар”ни эмас, балки ҳаёт ҳақида кенг мушоҳада юритадиган шахсларни шакллантириш учун таълим соҳасини ислоҳ қилиш, Миллий дастур ва шунга оид яратилган қонунларни ҳаётга дадилроқ татбиқ этишимиз керак. Ёшларга таълим бераётиб тарбияни, тарбия бераётиб таълимни ҳам унутмаслигимиз лозим. Менимча, бизда ҳозиргача ёшларда истиқлол мафкурасини шакллантириш концепцияси йўқ эди. Президентнинг мазкур суҳбати бундай концепцияга асос солди. Энди ёшлар даврасида у суҳбатда келтирилган асосий йўналишлар ва тамойиллар тарғиботини кучайтиришимиз керак.

И. ГАНИЕВ: -- Даврамиз иштирокчилари инсонда аниқ мақсад бўлиши зарурлиги ҳақида фикр билдиришди. Аввало мақсад бўлиши учун инсон шахсга айланиши керак. Биз ҳамон собиқ компартия даврида асос солинган шахсизлик жамиятининг қурбони бўлиб келмоқдамиз. Нобель мукофоти лауреати Э.Хемингуэй “Чол ва денгиз” асарида шундай дейди: “Инсонни янчиш мумкин, аммо уни енгиш мумкин эмас”. Хўш, бу енгиб бўлмас шахс ким? Бу -- маънавият бойи, ўзини, қавмини, миллатини ва давлатининг кимлигини англаган шахсдир.



ВАТАНГА ШАХСЛАР КЕРАК



Агар Ислам Абдуганиевичнинг ўзи кучли шахс бўлмаганида Ўзбекистон халқи бугун бундай мунаввар кунларни кўриши қийин эди. Аччиқ ҳақиқатни тан олишимиз керак. Бизда ана шундай фидойи шахслар етишмайди.

Хўш, шахсни ким етиштиради? Албатта, таълим соҳаси ҳодимлари. Миллий дастурнинг бош мақсади ҳам Миллатнинг эртанги кунини эркин, ҳур фикрлайдиган ёшларни тарбиялашдан иборатдир.

Бунинг учун интеллектуал қобилиятга эга ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бизда бугун нажот йўли битта. У ҳам бўлса маърифат ва яна маърифат! Улуғ ориф Яссавий маърифатсиз ҳақиқатга етиб бўлмас, деганларида юз қарра ҳақ эди. Мустақиллик мафкураси руҳга, қонга сингиши керак. Юқорида Васида Каримова опа айтган фикрга қўшимча қилиб, бир ривоятни сўзлаб берай.

Бир балиқчи бўлган экан. Қармоқда балиқ овлаб, ушланган ўлжасини ўлчагичда ўлчаркан. Агар оғирлиги, узунлиги тўғри келса саватга ташларкан. Мабоодо балиқ белгиланган ўлчамдан катта ёки кичик бўлса, ҳеч иккиланмай қайтиб дарёга ташларкан. Бизга бундай фақат бир қолипда ўйлайдиган, онги, шуури чегараланган одамлар эмас, юқорида айтилгандай ШАХСлар керак. Қарични кенгроқ олишимиз, катта мақсадлардан кўрқмаслигимиз лозим.

-- **Жамият тараққиёти ёшларга таълим-тарбия бериш савияси билан чамбарчас боғлиқ экан. Демак, бунга эришишнинг йўли -- Миллий дастурни амалга ошириш қандай кечаяпти?**

С.ИНОЯТОВ: -- Навоий вилоятининг ер ости ва ер усти қисми ноёб қазилма бойликларига эга. Уларни мустақилликка хизмат қилдириш учун етук, миллий мутахассислар зарур. Шу боис, 1995 йилда Президент Фармонига кўра институтимиз ташкил этилган. Ҳозир 12 турдаги мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаяпмиз.

Миллий дастурни амалга оширишдаги энг катта муаммо фанларни, айниқса чет тилларини ўргатишни яхши йўлга қўяолмаяпмиз. “Устоз” жамғармаси орқали профессор-ўқитувчиларни хорижга юборишни режалаштирдик. Аммо, биз хоҳлаган давлатларнинг тилини ўқитувчиларимиз ва талабаларимиз яхши билмаслиги муаммо бўлиб турибди.

Н.ҚОСИМОВА: -- Айни кунларда минглаб ёшлар ўқишини битириб, ҳаётга йўлланма олмақда. Табиийки, энг яхши ўқиган, сара талабалар ўқув

юртларининг ўзида ёки марказий шаҳарларда олиб қолинади. Қишлоққа, олис шаҳарчаларга эса билими саёз, яхши ўқимаган, фақат диплом учун келиб-кейтиб юрганлар жўнатилади. Улар борган жойларида ҳам ёлчигиб ишламайди. Бундай мутахассислар тайёрлаган шогирдларнинг шахс сифатида қандай шаклланишини тасаввур қилиш қийин эмас. Иқтидорли, малакали ёшларни ўз вақтида кашф этиб, уни тарбиялаш учун зукко, фидойи устозларни кўпайтириш керак.

Йигит ва қизларнинг қобилиятларини шакллантириш, билимларини ошириб бериш учун ҳукуматимиз лицейлар, коллежлар, гимназиялар ташкил этмоқда. Аммо, уларнинг ҳаммасида ҳам таълим бериш савияси юқори даражада эмас.

-- **Ўзингиз ўқишни битириб қаерга ишга кетаяпсиз?**

-- Тақсимотга кўра аспирантурада қолаёпман. Аслида узоқ қишлоқлардан бирига бориб, болаларга дарс бергим бор эди. Бироқ, кўпчилик устозларим илмий иш қилсам Ватанга кўпроқ нафим тегишини айтишмоқда. Ҳарқалай Президент стипендиати сифатида аспирантурага имтиҳонсиз кириш, чет элга стажировкага бориш имтиёзига эгаман.

И.СОЙИФНАЗАРОВ: -- Бу ерда миллий истиқлол мафкураси ҳақида гап кетди. Менимча бу жуда ҳам зарур. Чунки, мафкура нима эканлигини ҳали кўп ёшларимиз яхши билмайди.

Таассуфки, шу пайтгача биз диний либосларни ҳам миллийлик деб қабул қилдик. Умумжаҳон цивилизациясида яшар эканмиз, миллий қадриятларни, биздан бир неча ўн асрлар илгари яшаб ўтган аждодларимиз қолдириб кетган фан, маданият, санъат намуналарини ўрганишимиз кифоя қилмайди. Аксинча, умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан ютуқларини ҳам пухта эгаллашимиз керак. Ана ўшандагина биз комил инсонни тарбиялай оламиз. Мустақиллик шарофати билан юртимиз раҳбарияти ёшларни ривожланган давлатларда ўқитиш, билим ва малакаларини ошириш бўйича катта имтиёзлар ва эркинликлар берди. “Умид”, “Устоз” каби жамғармалар тузилдики, ёшлар ва устозларни хорижда тўпланган илм-фан ютуқлари билан танишишлари учун жиддий шуғулланмоқда. Лекин биз бундай фондларгагина кўз тикиб ўтирмаслигимиз керак. Уларнинг грантларини кутиб ўтирмай, ҳар бир олий ва ўрта махсус ўқув юртининг ўзи ҳам хорижлик жамғармалар имкониятларидан фойдаланишни ўйлаш зарур. Масалан, Сорос, Аксельс жамғармаларини назарда тутаяпман.

Бизнинг университетимиз ҳозир АҚШ, Англия, Малайзия давлатларидаги бир қанча университетлар билан ўзаро алоқалар ўрнатган.

Ҳозир 20 га яқин ўқитувчиларимиз “Устоз” жамғармаси гранти бўйича АҚШда, Англияда таълим олмақда.

Ўзбекистонни спорт, маданиятдан ташқари, илм-фанда эришган ютуқларимиз билан ҳам дунёга танитиш вақтимиз келди.

Бунинг учун тизимдаги ислохотларни жадаллаштиришимиз керак. Менимча, бепул ўқиш билан бирга пуллик ўқиш, нодавлат ўқув юртларини ҳам кўпайтириш зарур. Бу ишни мактабгача тарбиядан бошлаб, айниқса кичик ҳусусий академик лицей ва касб-хунар коллежларида ривожлантириш мақбул деб ҳисоблайман. Кейинчалик ҳусусий олий ўқув юртлари ҳам очилиши мумкин. Натижада таълимда рақобат муҳити пайдо бўлади ва мутахассис кадрлар тайёрлаш сифати яхшиланади. Бу эса кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-мизда белгилангандир.

М. НАЗАРОВ: -- Тадбиркорликка эътиборнинг кучайтирилиши, қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши тафаккуримизни ўзгартирапти. Андижонда ЎзДЭУ қурилгач, унга хизмат қиладиган яна 20 дан кўп корхоналар ташкил этилди. Яқинда ДЭУ корпорацияси билан корейс тилини ўрганиш бўйича шартнома туздиқ. Агарда тилни биладиган ёшлар кўпайса, хорижликларнинг ўзлари бизга талабгор бўлишади.

Исмоилжоннинг фикрини қувватлаб айтмоқчиманки, хориж давлатларининг фондлари билан алоқаларни кучайтириш керак. Улар бизнинг мамлакатимиз учун бор яхшиликларини аяшмайди. Англиянинг Ўзбекистондаги элчиси институтимизга 18 минг доллар қийматга эга бўлган кичик босмахона совға қилишини ҳамкорлигимиз меваси десак бўлади.

Ёшларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришимиз керак. Ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳи университетларга айлантирилди. Академия лицейлари очилляпти. Уларда ўқиётган болаларнинг 98 фоизи институтга кираяпти.

Аммо моддий базамиз яхши эмас, бу ўқитувчиларнинг фаолиятлари кўнгилдагидай бўлишига ҳалал берапти. Олийгоҳлар ва мактаблар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ҳақидаги гап кўпинча қоғозда қолиб кетаяпти. Қишлоқлардаги ўқитувчиларнинг 90 фоизи аёллар, эркак муаллимлар камийиб кетаяпти.

“Тафаккур”да чоп этилган Президентнинг суҳбати баҳонасида таълим ҳодимлари дилларига туғиб юрган ўй ва таклифларини ўртага ташладилар.

А.ФОЗИЛОВ,
“Туркистон” мухбири

Бошлиқ бўлиш эмас, унинг хотини бўлиш қийинроқ. Чунки аёл унинг маълум даврда кайфиятининг кули бўлиб яшашга мажбур.

Байрам баҳонасида биз кунда кўриб, "яхшигина одам" деб санаган "тўртинчи ҳокимият" дагилар, яъни матбуот нашрлари бошлиқлари хотинларига сирли кўнғироқ қилдик ва савол бердик:

1). Журналистга турмушга чиқишдан аввал бу касб шунчалик оғир (ёки енгил) эканлигини тасаввур этганмисиз?

2). Уйда ким "Бош муҳаррир?" Оила даврасида газетага оид муаммоларни муҳокама қиласизларми?

3). Сўнгги пайтда газеталарингизда босилган ўзингизга ёққан, ёки ёқмаган қайси мақолани эслай оласиз?

4). Тақдир тақозоси билан хўжайинингиз бошчилик қилаётган нашрга бош муҳаррир бўлиб қолсангиз, ишни нимадан бошлардингиз?

5). Тақдирдошларингизга тилакларингиз.

"Туркистон"нинг собик бош муҳаррири Ж.Раззоковнинг турмуш ўртоғи Улибиби РАЗЗОКОВА:

1) Жаббор акангиздан совчи келганда мен эндигина 10-синфни битираётган қизалоқ эдим. Журналистика назаримда умуман тенгсиз касб эди. Ҳавас бошқа, ҳаёт бошқа экан. Бу касбни қанчалик тоши оғирлигию, енгиллигини кўрдим. Болаларим кичкиналик пайтида оталари ишга эрта кетиб, кеч қайтардилар. Ўғилларимнинг "Ўзи бизнинг отамиз борми?" деб сўраган пайтлари кўп бўлган.

2) Ишхонадагилари ҳурмат қилишгани учун биз ҳам оилада уларни бош муҳаррир санардик. Уйда ҳам таҳририят ҳодимлари ташвишу қувончлари ҳақида суҳбатлар бўларди.

3) Тўғриси, кейинги пайтда оила, рўзғор ташвиши билан бўлиб кам газета ўқийдиган бўлдим. Лекин улар газетада иш-

лаётган пайтларида мана бу мақола яхши, буниси унчалик эмас, деб баҳо бериб турардим.

4) Бош муҳаррирлик Жаббор акангизга буюраверсин.

5) Ҳаммаларига омонлик, соғлиқ тилайман. Бола-чақалари роҳатини кўришин.

Феруза ДЎСТМУХАМЕДОВА, "Хуррият" газетаси бош муҳаррири умр йўлдоши:

1) 1973 йил "Фан" нашриётида ишлаб юриб Хуршид ака билан танишиб қолганмиз. Уларнинг журналист эканликларини билардим, журналистиканинг шунчалик қийинлигини тасаввур ҳам қилмагандим.

2) Хуршид ака-да. "Хуррият"нинг биринчи танқидчиси ҳам, тақризчиси ҳам биз бўламиз.

3) Охирги сонларда чиққан "Нафосат"

саҳифаси менга маъқул келди. Ёқмаганлари ҳам бор эди. Ҳозир эслолмаяпман. Лекин биров "Хуррият"ни ёмонласа жаҳлим чиқади.

4). Менимча, аёл киши учун бу иш жуда қийин. Мабодо, бўлиб қолсам "Хуррият"ни ҳафтада икки марта чиқаришга ҳаракат қилардим.

5). Фақат улар хўжайин-

ҳақидаги мақола менга манзур бўлди.

4) Ҳеч қачон бошлиқликка интилмаганман.

5) Журналист дунёда энг кам умр кўрадиган инсон дейишади. Аммо бу сўз байрамдан сўнг теска-рисига айлансин.

Махбуба МЕЛИБОЕВА, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири турмуш ўртоғи:

1) Билардим. Эшитгандим...

2) Албатта, хўжайин. Ўғлим ҳам ота касбини танлади. Уйда иккита журналист бўлганидан кейин оила-

вий суҳбатлар ҳам ўз-ўзидан матбуот ҳақида бўларкан.

3) Кейинги пайтда газетада ёш шоирларнинг жуда бўш шеърлари ҳам эълон қилинапти.

4) Ҳозирги замон шароитига қараб иш юритган бўлардим.

5) Умрлари узоқ бўлсин. Муҳаррирлар аёлларига сабр-бардош берсин.

"Шарк юлдузи" журнали бош муҳаррири турмуш ўртоғи Улмасой ХОШИМОВА:

1) Ўзим филологман. Демокчи бўлганим, журналистларга яқинроқман. Унинг қайсидир оғирликларидан хабардор эдим.

2) Кўпроқ журналнинг "тили"ни таҳрир қилишни ёқтираман. Фикрларимни айтаман.

3) Кейинги пайтда журнал ихчамлашиб, менимча яхши чиқаяпти. П а й ғ а м б а р и м и з ҳақидаги рисола кўпчилик қатори менга ҳам маъқул келди. Ўйтирозим йўқ.

4) Худди Ўтқир акадай иш олиб борган бўлардим.

5) Бош муҳаррирларнинг барча инжиқликларига чидашга бардош, саломатлик тилайман.

Юлдузхон АБЗАМОВА, "Тафаккур" журнали бош муҳаррири рафикаси:

1) Эркин ака билан талабалик давримизда кўчада тасодифан танишиб қолганмиз. Ўзвчиликларини билардим. Менимча бу касб жуда оғир. Лекин ўзишларини жуда яхши кўрадилар.

2) Албатта, уйда ҳам адамиз. Журнал мақолаларидан кўра унинг ташқи беағи ҳақидаги мулоҳазаларимиз уларга кўпроқ маъқул келади.

3) Аёллар ҳақидаги таржималар...

4) Биринчидан, бош муҳаррир бўлолмасам керак. Бўлганимда ҳам керак эмас, дердим, ташвишли иш.

5) Хўжайинларининг беҳуда ташвишланишига йўл қўймасликлари керак. Уларнинг кўнглига кўпроқ қарашсин.

"Туркистон" мухбири ЛАЙЛО ЁЗИБ ОЛДИ

Тўртинчи ҲОҚУҚЧА "ҲОҚУҚ"ЛАРИ

ларини тушунишсин.

"Адолат" газетаси бош муҳаррири рафикаси Саломат ХАСАНОВА:

1) Ўзим ҳам журналистикага қизиқиб, шу факультетга ҳужжат топширгандим. Оғирлигини ҳис қилардим. Журналист бошқа соҳа одамларидек уйга бир хил кайфиятда келолмайди. У ҳамманинг муаммосини ичига ютишга мажбур.

2). Улар Бош муҳаррир. Муҳокама қилиб турамыз. Баҳони ҳам биз белгилаймиз. Лекин оилавий "летучка"да қизарган пайтлари ҳам бўлган.

3) "Адолат"да босилган ўз эрини ўлдирган аёл

ЖУРНАЛИСТИК НОНИ ШИРИНИ?

Менда илк бор журналист бўлиш орзуси пайдо бўлганида, тўғрироғи, ўрта мактабнинг 4-синфида ўқирдим. Ўшанда ёшгина бошим билан жуда кўплаб қарама-қарши фикрларга дуч келгандим. "Маслаҳат-гүй"лар ичида бу соҳани ёнгил-елпи деб ўйлайдиган кишилар ҳам оз эмас эди. Бунини қаранг-ки, олийгоҳни тугатиб, диплом олгунимгача бўлган даврда ҳам кўпгина устозларим қўлида яхши журналист бўлиш, яхши ёзиш сирларини ўргандим ва ўрганияпман. Менимча, болалигимдаги ўша саволлар ўз жавобини топди.

Нон қачон ширин бўлади. Пешона тери билан топилганда. Менимча, журналистнинг нони ширин. Қачонки, у бор иқтидори, истеъдоди ва маҳорати орқасидан топилган нони бўлса.

Гурунч курмакисиз бўлмайди. Балки кимгадир...

Қаҳрамон ЖАМОЛ,
ЎзТВнинг "Ахборот"
кўрсатуви мухбири



ШАРАФЛИ, МАШАҚҚАТЛИ

Ҳар бир касб борки, унинг ўзига яраша машаққатлари бор. Машаққат билан қўлга киритилган натижа эса ширин. Бу нарсани инсоннинг табиатидан келиб чиқадиган ҳолат.

Шундай қилиб, журналистика шарафли бўлиши баробарида машаққатли. Шу туфайли унинг орқасидан топиладиган нон шириндир.

Баъзи кишиларда нотўғри тушунча пайдо бўлиши мумкинки, журналистиканинг нима маси машаққатли деган. Тўғри, бир қарашда шундай туюлади, лекин ҳар ким ҳам журналис-

тика аравасини тортиб кета олмайди. Негаки, икки жумлани келтириб ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас-да. Бир сўз билан айтганда, Худо юқтирмаган бўлса, қоғоз билан қаламни қанчалик ишлатган билан бирор натижага эришиб бўлмайди.

Мен ҳар қандай вазиятда журналистиканинг нонини ширин деб аташни истардим. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Мен журналистика соҳасида ишлаб юрибманми, демак, қалбимда жур-

налистикага меҳр бор. Меҳр бор экан, журналистика орқасидан келадиган машаққат ҳам, қийинчилик ҳам, шунингдек, нони ҳам мен учун ширин бўлиб қолаверади. Бемалол айтиш мумкин, бу ҳулосам ҳеч ўзгармас ҳулосадир.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
"Ёшлик" Бош
муҳарририят
Бош муҳаррирининг
ўринбосари

Суратда: "Ёшлик"
ижодкорлари

ЗУВАЛАСИГА БОҒЛИҚ

Унинг нонини ҳалоллаб есанг албатта ширин бўлади. Шу ўринда бир гап. Баъзи бир ҳамкасбларимиз маошдан нолишади. Мен журналистнинг маошини нисбий бир нарсани деб биламан. Менимча, энг яхши журналистни қалам ҳақи боқади. Менга қолса 5-6 жойдан мунтазам қалам ҳақи оладиган ҳамкасбларимни журналистлик нонини ҳалоллаб еяётганлар дердим.

Газетанинг умри бир кун, деган иборани эшитганман. Қўламин кенг ислохотлар ижтимоий ҳаётимизда улкан ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Демак, бугунги ахборот, янгилик эртанги кунга хизмат қила олмаслиги мумкин. Қолаверса, рақобат май-донидан сизга аудиториянинг талаби ҳам ўзгаради. Журналист давр билан тенг қадам ташлаши лозим. Талаб ана шундай бўлаётган шароитда мазкур касбнинг ҳақиқий филойилари, нонини ўзининг ижодий куч-қудрати билан ширин қилиб еяётганлар қолади.

Алижон САФАРОВ,
"Ватанпарвар"
газетаси
мухбири

Пойтахтдаги "Паркент" деҳқон бозори. Киш яқинлашиб, ҳаво салқин тортиб қолгани сабабми, ишқилиб, яхна ичимликларга харидор камчил. Онда-сонда ёнидан ўтиб қолувчиларга ўз молини пуллаш илинжида бор тил бойлигини ишга солаётган Баҳодирнинг шашти бугун негадир суст. Бутун кун давомида тушган озроққина пулини, худди кўпаядигандек, қайта-қайта санар, сўнгра эса хўрсинибгина яна чўнтагига жойларди. "Хай, майли. Ҳадемай Янги йил тараддуллари бошланади. Савдо юришиб кетса ажаб эмас", ўзини овутирди у.

-- Бозорингизни берсин, акаси, -- қаршисида башанг кийинган йигит турарди.

-- Келинг. келинг. Қайси биридан оласиз? Ҳаммаси "свежий", кеча кечқурун келтирганмиз, -- деди Баҳодир тавозе билан.

-- Нарх-наво қандай бўлди? -- сўради йигит.

-- Энг арзони ўзимизда, бор-йўғи беш-олти сўмингиз қолади. Бизда ҳам уйда тўртта оғиз "нон бер!" деб турибди, -- харидордан ажраб қолгиси келмасди Баҳодирнинг.

-- Даромад яхши бўляптими ўзи? Кунига неча пул қолади? Олувчилар кўпми? -- саволларни қаторлаштирди "харидор".

-- Ҳа, энди, кун ўтиб турибди, -- деб жавоб берди-ю, Баҳодир Хўжаёровнинг кўнглига гулгула тушди: "Ким бўлдиёкан ўзи бу олифта. Солиқчиларданмикан, бунча тергов қилади?"

"Олифта" эса ўзини бепарво тутиб, чўнтагидан бир даста пул чиқарди ва кўз-кўздагандек санай бошлади. Орасида "кўк"лари ҳам бор эди. Баҳодирга зимдан разм солар экан, унинг пуллардан кўз ололмай турганини сездиди-да, мақсадга кўчди:

-- Тўгрисини айтсам, бошқачароқ мол қидириб юрибман. Дори, фақат қора-

сидан. Топилса, ҳар kilosига 3 минг АҚШ долларидан тўлардим. Ортиқча пул тешиб чиқмаса керак?..

-- Йўқ, тешиб... -- тутилиб қолди Баҳодир ва бир оз жимликдан сўнг қўшимча қилди: -- Ҳаракат қиламиз. Бир-иккита

дан каттагина қарздор бўлиб қолган ўртоғи тушди ва унинг уйига, Назарбек қишлоғига йўл олди. Ўртоғининг акаси Шаропов Хайрулло укаси қаергадир чиқиб кетганлигини айтиб, ичкарига таклиф қилди. Сўхбат чоғида Нурулло шу кунларда

олишганда уларнинг айёрликлари Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳри ва вилояти бошқармаси тезкор ходимларининг маҳорати олдида ип эша олмай қолди. Ҳамтовоқлар жиноят устида қўлга олинди. Уларнинг ёнидан 10 килограмм

Баҳодир уларга ўрناق бўлишга арзийдиган иш қилдими? Ҳамма нарсани пулга чақиб, жиноий бойлик орттирмоқчи бўлган, натижада эса ўз тақдирини (фақат ўзининг тақдириними?) барбод қилган бундай кимсаларга ҳам ачинади, ҳам нафрати келади кишининг.

Шу жойда эътиборингизга яна бир жиноий ишни ҳавола қилмоқчимиз. Тошкент Темирйўлчилар билим юртининг собиқ 4-курс талабаси, 1973 йилда туғилган Тошпўлат Исломов ўзининг эски таниши, 1967 йилда Доғистонда туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, устига-устак гиёҳвандликка муккасидан кетган Рабазан Газимагомедов билан жиноий тил бириктириб, нашафурушлик билан шуғулланади. Ўтган йил охирида бу ҳаромтомоқ "ишбилар-мон"лар Ҳамза тумани Невская кўчасида жойлашган, Тошпўлат яшаб турган ётоқхона атрофидаги хилват кўчалардан бирида 3 килограммга яқин гиёҳвандлик воситасини пуллаётган пайтларида республика Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар ва вилояти бошқармасининг тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди. Аниқланишича, ҳар иккаласи ҳам илгари судланиб чиққан экан. Лекин ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаган жиноятчилар Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан мол-мулки мусодара қилиниб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

гиёҳвандлик воситаси -- қорадори топилди ва гувоҳлар иштирокида мусодара қилинди.

Яқинда Тошкент шаҳар суди ушбу жиноий ишни ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб, жиноятчиларнинг ҳар бирига қилмишига яраша жазо белгилади.

Ачинарлиси шундаки, киши ҳаётининг энг самарали ҳисобланмиш ёшлик даврини улар энди қамоқда ўтказишади. Н.Мўминов ҳали уйланиб ҳам улгурмаган. Жазони ўтаб чиққунига қадар ёши 40 дан ошади. Тўрт нафар фарзандини тирик етим қолдирган Б.Хўжаёров-чи? Одатда, фарзандлар, айниқса ўғил болалар оталаридан ўрناق олишади.

Жиноий жавобгарликка тортилаётганларнинг шахси, тақдири, уларга қўйилаётган айблар турлича бўлиши мумкин. Бироқ уларни фақат бир нарсасига боғлаб туради: деярли ҳаммаси суд пайтида "билмайин босдим тиконни" қабилида сайрашади. Ваҳоланки, фақат ҳақиқий тиконни билмасдан босиб олиш мумкин. Лекин жиноятга киши билиб оёқ қўяди. Таъбир жоиз бўлса, фикрлаш қобилиятини табиат инсонга жиноий режалар тузиш учун берган эмас, демоқчимиз. Баднафс туяни жардан учирган -- бир туп хашак, деган мақол бор элимизда...

Олимжон АБРОРОВ,
журналист



ошна-оғайниларимиз бор.

Шундан сўнг йигит ўзини Рустам деб таништирди ва қорадорини қанча миқдорда бўлса ҳам олмоқчи эканлигини билдирди. Агар Баҳодир буюртмани бажарса, хизмати ҳақидан ташқари Қибрайдаги яхна ичимликлар корхонасидан таниш топиб беришни ваъда қилиб, хайрлашди.

Шу кундан Баҳодир ҳаловатини йўқотди. "Ҳамкасби" Мўминов Нуруллонинг ёнига ошиқди.

-- Бўлди, савдонғи йиғиштир, Сувларинг уч-тўрт кунга айнаиб қолмайди, бу ёқда жиддийроқ иш чиқди, -- дея унга янги танишининг таклифини баён қилди.

Эндигина 23 ёшни қаршилаган бўлса-да, бирор касбнинг бошини тутмай, енгил-елпи пул топиш илинжида юрган Нуруллога ҳам бу таклиф мойдек ёқиб тушди. Қорадорини алоҳида ахтаришга, ким топса, бир-бирига тезда хабар беришга келишиб тарқалишди.

Н.Мўминовнинг ёдига ун-

фикри-зикрини қамраб олган қорадори топиш "ташвиши" ҳақида Хайруллога ёрилди. Бу таклифга қизиқиб қолган Хайрулло ёрдам бера олиши мумкинлигини айтди. Албатта у ҳам ўз манфаатини, орада бирор нарсалик бўлиб қолишни ўйларди. Иш амалга ошса, укасининг қарзини ҳам тўлаб юбориши мумкин.

Уч-тўрт кун ўтар-ўтмас Хайрулло ўзи каби баднафс ҳамтовоқларига дўли миллатига мансуб шахслар ёрдамида 10 килограмм гиёҳвандлик воситасини топиб берди. Ҳатто, сахийлиги тутиб, олди-сотдини тезроқ битириши учун ўзи миниб келган бировга тегишли машинанинг рулини Нуруллога топширди.

Наркобизнесчилар ўзлари-ча эҳтиёткорлик чораларини кўришди: харидор билан учрашув жойи ва вақтини бир неча бор ўзгартиришди. Фараз ниятларини амалга ошириш учун Нурулло, Рустам ва Баҳодир уччаласи Хайрулло берган машинада Қорасув-6 даҳасига йўл

ИШИ БўЛИШДИ

Қарши шаҳрида «Меҳнат бозори» ярмаркаси ташкил этилди. Унда шаҳардаги 93 ташкилот, корхона ва муассаса ўзида мавжуд 633 бўш иш ўрнини тавсия этди. Икки юзга яқин киши ўз ихтисоси бўйича доимий ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

А ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Бадий академиясининг Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида бу йил илк бор мустақил мақомда тасвирий санъат ва халқ амалий санъати бўйича диплом ҳимоялари ўтказилди.

Тасвирий санъат бўйича диплом ҳимоясига киритилган ўн саккиз битирувчи Давлат имтиҳон комиссиясига миллий ва умуминсоний қадриятларни, юртимиз табиати, бунёдкор халқимизнинг руҳий ва жисмоний гўзаллигини акс эттирувчи асарларни тақдим этди. Раҳим Аҳмедов, Қутлуг Башаров, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков каби таниқли мўйқалам усталари уларнинг ўн бир нафарига «аъло» баҳо қўйганлиги санъатсевар халқимиз орасида иқтидорли ёшлар етишиб чиқаётганлигидан гувоҳлик беради. Гулзода Маматованинг «Қариялар уйи», Дилором Ҳамдамованинг «Инсон ва табиат», Азамат Элмуродовнинг «Ватан ҳимоячилари», Сардор Отажоновнинг «Шарқ тафаккурлари» асарлари устозларнинг

алоҳида таҳсинига сазовор бўлди.

Факультетнинг театр беағи ранг-тасвир бўлими битирувчилари диплом ишларини пойтахт театрлари сахнасида амалга оширдилар. Китоб-графикаси бўлими битирувчиларининг ишлари ҳам юқори баҳоланди. Давлат имтиҳон комиссиясининг қарорига биноан битирувчилардан Азамат Элмуродов билан Мўрод Иброҳимов Бадий академия қошидаги ёш ижодкорлар бирлашмаси аъзолигига тавсия этилди.

Шуниси диққатга сазоворки, битирувчи ёшлар яратган ранг-баранг асарлари билан Бадий академия ва «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишлаб ўтказётган «Энг улуг, энг азиз» республика танлови кўргазмасида иштирок этган.

Б.МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР



ДУШАНБА, 29

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Тахлилнома».
8.40 «Ўзбектеlevision» намоиш этади.
«Хисор кўриқонаси». Премьера.
9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
9.30 «Олам юлдузи». Телеуин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгилар.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Кутлуг қалам».
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Ез ҳикоялари».
Бадий фильм.
12.05 «Истиқлолим, сени қўлайман».
Концерт.
12.25 «Фермер». Телетанлов.
12.45 «Жаҳон спорти».
12.55 «Эски ҳижола». Мультфильм.
13.05—14.00 «Хамма кўриши шарт... эмас».

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Мехрингиз ардоғида». Телесерия.
18.30 «Олам ва одам».
18.50 «Севги сурури». Концерт.
19.10 «Фармон ва ижро».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алоқаси».
21.30 М. Бобоев. «Кўнгли қўчалари». Видеofilm. 17-кўй.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
23.50 «Ахборот».
00.15 «Шоир тақдири». Бадий фильм («Тожикистон»).
01.55—02.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Курсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Еришгош». Мультфильм.
18.35 «Жаҳон урушларининг маҳфий архивларида». Телесериал.
19.00 «Ойдиндаги қадимлар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Туташ диллар». Тожиқ кўйларидан концерт.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.30 «Вьетнамга мактублар». Телесериал.
22.15 Бурч ва масъулият.
22.30 Мусиқий ласалар.
22.35 «Даракчи» (рус тилида).
22.45 Кинонигоҳ. «Мусиқа навалари». 1-қисм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Танаффуслар пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-4

17.10—18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари.
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Жаҳон».
20.55, 22.25 — Ўзлонлар.
21.00 «Морена Клара». Телесериал.
21.45 «Чинор». Видеоканали.
«Рангикамон».
«Дилар».
22.30 Кинематограф. «Ўрдак қўли воқеаси». Бадий фильм.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 30

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Шўх дилрабо келур». Мусиқий дастур.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 О. Эрташ. «Шукрона». Теленовелла.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгилар.
10.05 Эртақлар — яхшиликка етаклар.
«Бир сўм қадри».
10.30 Абитурентлар, сизлар учун. Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитурентлар, сизлар учун. Математика.

12.05 «Олам ва одам».
12.25 Кундузги сеанс. «Кичик боланинг катта ташвиши». Бадий фильм.
13.30—14.00 Ўзбек кўйларидан концерт.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Ашлар Кўса». Мультфильм.
18.25 «Хунарманд». Телесериал.
18.45 «Вазият».
19.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.25 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Энг сарчасмаси».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».

21.00 Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кўнларининг тантанали очилиши. «Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади.
22.20 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
23.55 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Курсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Еришгош». Мультфильм.
18.25 «Еввойи ҳайронот олами».
19.05 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Болливудга нигоҳ».
20.30 «Ахборот».

21.00 «Вьетнамга мактублар». Телесериал.
21.45 «Даракчи».
21.55 Спорт-қўйғаси.
22.15 «Кундалик».
22.25 Кинонигоҳ. «Мусиқа навалари». 2-қисм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал. Танаффуслар пайтида — «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!
ЎзТВ-4

17.10—18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари.
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
18.55 «Сен ҳақинда ва сен учун».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Ўйингоҳ».
20.45 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.00 «Олтин қалит» лоторейсининг биринчи тираж уйинлари.
21.15, 22.35 — Ўзлонлар.
21.20 «Мухаббат тарихи». Телесериал.
22.05 «Мелицина — сизлар учун».
22.25 Телефакт.
22.40 «Кувнок кино».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 1

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Қизил гулинг бўлайин». Мусиқий дастур.
9.00 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
9.15 «Майрифат маскани».
9.35 «Жаҳон театри».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгилар.
10.05 «Инсон ва замин». Телесериал.
10.30 Абитурентлар, сизлар учун. Она тили.
11.00 «Мушпарак кўнларлар». Кинокурсатув.
11.30 Абитурентлар, сизлар учун. Ўзбекистон тарихи.
12.05 «Ялқов». Мультфильм.
12.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.55 Кундузги сеанс. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадий фильм. 1-серия. «Аббат Фарис».
14.10—14.30 «Бармоқлар сеҳри».

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Телесериал.
18.30 «Нуктаи назар».
18.45 Б. Бойқобилов. «Янги Хамса».
19.05 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик курсатув.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бирдан бир миллионгача». 1-қисм.
21.25 «Ёшлар телеканали».
1. Сиз ва биз».
2. «Сочининг савдоси тилида».
22.25 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
24.00 «Ахборот».
00.25 М. Бобоев. «Кўнгли қўчалари». Видеofilm. 18-кўй.
01.05—01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Курсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Жаҳон халқлари эртақлари».
18.35 «XX аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.15 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Толеснома».
21.20 «Сўз ҳусуида сўз».
21.30 «Вьетнамга мактублар». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Экранда — кинокомедия. «Майсаранинг иши». Бадий фильм. 1-серия.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 «Майсаранинг иши». Бадий фильм. 2-серия.
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-4

17.10—18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари.

18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 «Спорт-лотто».
20.45 «Тақдирлар ва таширлар».
21.05, 23.00 — Ўзлонлар.
21.10 «Морена Клара». Телесериал.
21.55 «Шифокор қабулида».
22.05 «Автосалтанат».
22.15 «Нафосат гушани».
22.40 «Дурларшан».
23.05 «Олтин ҳазина». А. Навоий. «Искандар».
А. Ҳидоятлов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 2

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй тонгги сабо». Концерт.
9.05 Болалар учун. «Она тилим — жону дилим».
9.20 «Шарқ табобати».
9.40 «Рақс, рақс, рақс».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгилар.
10.05 «Қўшқоқ ҳаёти».
10.30 Абитурентлар, сизлар учун! Биологья.
11.00 Янги алоқабонни ўрганамиз.
11.30 Абитурентлар, сизлар учун! Физика.

12.05 «Кетмас давлат берсин».
12.30 Кундузги сеанс. «Иф қалъасининг

маҳбуси». Бадий фильм. 2-серия. «Граф Монте-Кристо».
13.35 «Созга солдим Алпомишни».
14.10—14.40 «Жараён». Телесериал.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўнгиноқча».
18.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.45 «Дунё адабиёти». Софокл.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.00 Парламент соати.
21.20 Мен нечун севаман Ўзбекистонни.
«Тугилган ер». 1-қисм.
21.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига. Эстрада кўшиқлари телетанлови. Экранда — Сўрқондарё вилояти.
23.10 «Ахборот».
23.35 «Сомон йўли».
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Курсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Аралаш ва қуралаш». Болалар учун дастур.
18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.



18.55 «Катта танаффуслар». Телеуин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт кўшиқ».
20.05 «Табобат оламида» (рус тилида).
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.25 Мирзиз Мухамедов кўйлайди.
21.55 «Даракчи» (рус тилида).
22.05 Оҳанглар ва эълонлар.
22.25 «Ойлавиқ экран».
24.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-4

17.10—18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари.
18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сўхбатлош».
19.25 «02» тўқинида.
19.40 «Минг бир маслаҳат».
19.50 «Хаммаҳарлар».
20.10 «Замонавий дизайн».
20.30, 22.10 — Ўзлонлар.
20.35 «Мухаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Хаммаси мода ҳақида».
21.40 Эстрада учун дастхат (Ф. Киркоров билан учрашув).
22.15 «Хонанларнинг тақдири». Бадий фильм («Тожикистон»).
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 3

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзбектеlevision» намоиш этади.
«Шаҳрим камоли ва жамоли». Премьера.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Тул бирен, чаман бирен». Мусиқий дастур.
9.40 «Хаёт чашмалари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгилар.
10.05 «Талаб ва тақдир».
10.30 Абитурентлар, сизлар учун! Ким?
11.00 Немис тили.

11.30 «Инсон ва қонунга ҳатлар».
12.05 Кундузги сеанс. «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадий фильм 3-серия.
«Интиқом».
13.40 «Шоирлар — болаларга».
14.10 «Мухаббатим қалб ардоғида».
Кинокурсатув.
14.35—14.50 «Харита». Халқаро шарҳ.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Хикматлар хазинаси».
18.25 «Тилга элтиб».
18.45 «Бозор рақобати — сифат қафолати».
19.05 «Етти иқлим садоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртақлари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Опера санъати юлдузлари». Мужасар Раззоқова.
21.30 Мен нечун севаман Ўзбекистонни.
«Қорақалпоқ қиссаси». 2-қисм.
22.00 «Ўйғоқ кўнлар». Кинокурсатув.
22.25 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал.
24.00 «Ахборот».
00.25 М. Бобоев. «Кўнгли қўчалари». Видеofilm. 19-кўй.
01.05—01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

18.00 Курсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Еришгош». Мультфильм.
18.25 «Уйна, болажон, уйна».
18.45 «Экранда — Дэвид Копперфилд».
19.05 «Хусусийлаштириш: қалам-бақалам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сўз ва сўз оҳанглари». Тожикистон халқ артисти Мазруфқўжа Баҳодиров.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Дублюж».
21.20 «Вьетнамга мактублар». Телесериал (охириги серия).
22.05 Бокс. Бокс.
22.25 «Даракчи».
22.35 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл

саргузаштлари».
23.15 «Гинес-шоу».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Танаффуслар пайтида «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-4

17.10—18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари.

18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.25 «Майнавият ва Ислом».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05, 21.50 — Ўзлонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Бегийим».
21.20 «Дурларшан».
21.55 Кинематограф. «Шошилинч ҳақиқат».
22.25 Араб эстрадаси.
23.55—00.05 «Мунаввар тоғ истаб».

ШАНБА, 4

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телесериал.
9.00 «Шоҳрух» клуби.
9.20 «Ёшлар» телеканали.
1. «Шу Ватанга бодир меннинг керагим».
2. «Кўнлар ва зукколар».
3. Соқом алоқ учун».
4. «Қўшқоқ ҳақида ўйлар».
5. «Қўйла, ёшларим». Мусиқий дастур.

11.20 «Сурат ва сийрат».
11.45 Болалар учун. «Қизқарли учрашувлар».
12.15 «Туркий қамлар».
12.30 Ф. Богданов. «Тунги меҳмон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.40 «Хаёт сабоқлари».
14.10 «Катта танаффуслар». Телеуин.
14.40—15.10 «Майнавият». Бадий-публицистик курсатув.

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 «Санъат гўнаҳлари».
18.20 «Мувоозанат». Ахборот-таҳлилий курсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртақлари.
20.05 «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кўнларининг тантанали ёпилиши.
«Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади.
Езид олинган.
22.30 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал.
00.05 «Ахборот».
«Тунги ёлғуз» дам олиш дастури
00.30 ЎзТВ экранда биринчи марта ўзбек тилида «Чолиқуши». Етти қисмли бадий фильм. 7-қисм.
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

7.55 Курсатувлар тартиби.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 Тоир Юнус. «Бир кам дунё». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
9.45 «Спорт қўйғаси».
10.05 «Гуласта».
10.15 «Ханда дўқони».
10.40 «Лажой». Телесериал.
11.30 «Ўзбекистон — Ватаним меним!».
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган ИИБ ходимлари бадий ҳаваскорлари кўрик-танловининг якунлари (такрор).
11.55 «Таянч».
12.10 Болалар экрани.
13.30 «Франция-98».
14.20 «Санъет Бичининг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.10 «Билиб қўйган яхши».
15.25 «Санта-Барбара». Телесериал.
16.10 «Кўнгли қўйғаси пайванд».
16.40 «Янги ой чиққан кеча».
16.55 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.40 «Еришгош». Мультфильм.

18.00 Курсатувлар тартиби.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қўйғаси.
19.00 «Кинотақдим».
19.20 «Мусиқий даҳалар».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес академия».
20.10 ТВ ва театр.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.45 Киноконцерт.
22.05 «Хонадонингизга оёйишхалик тилаймиз».
22.35 «Даракчи».
22.45 «Кинонигоҳ». «Лос-Анжелес сирлари».
1-қисм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.

23.50 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. Танаффуслар пайтида «Франция-98» кундалиги.
02.00 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-4

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Бу ажиб дунё».
11.35 «Рақслар қанотида».
11.55—12.25 «Япониянинг очилиши». Хужжатли фильм.

17.10—18.45 Туркия телевидениеси курсатувлари.

18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.
20.35 Авторейд.

20.45 «Далил ва шарҳ».
21.00 «Спектаклдан сўнг».
21.20, 22.25 Ўзлонлар.
21.25 «Мухаббат тарихи». Телесериал.
22.10 «Хит коллекция».
22.30 Кинесалон.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 5

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлар» телеканали.
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Талабалар йиллари».
3. «Учинчи эҳтилол».
4. «Дамроҳ».
5. «Ёшлар ва эстрада».

12.30 «Ёзувчи ва замон».
12.55 «Қувноқ дастурлар».
Телемусобақа.
13.35 «Чолиқуши». Етти қисмли бадий фильм. 5—6-қисмлар.
15.25—15.55 «Нурли келажак».

17.55 Курсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламнинг».
18.25 «Ўзбектеlevision» намоиш этади: «Дилга яқин кўшиқлар». Фильм-концерт премьераси.
19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
19.25, 20.00, 21.10 — Ўзлонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат».

Кинокурсатув.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида».
Мусиқий-дам олиш дастури.
21.40 Телевизион миниатюралар театри.
22.15 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати. 1/4 финал.
23.50 ТВ-1 намоиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури
24.00 Кино янгиларлари.
00.15 «Тақдир сўмоқлари». Бадий фильм. 1—2-сериялар.
01.50—01.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-2

7.55 Курсатувлар тартиби.
8.00 «Уйна, болажон, уйна».
8.20 «Қалдирғоч». Қисқа метражли телевизион бадий фильм.
9.00 «Бизнес академия».
9.15 Саргузашт фильмлар экрани.
«Геракл саргузаштлари».
9.55 «Дойче Велле» тақдим этади...
10.15 «Лажой». Телесериал.
11.05 Эстрада тар



Ўлкамизда ёз фасли бошланди. Табиийки, бундай пайтларда аксарият юртдошларимиз турли дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тиклашга интилишади. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши қoшидаги санаторий-курортлар бирлашмасининг фаолияти ҳам шу мақсадга қаратилган. Бирлашма бошлиғининг муовини, тиббиёт фанлари номзоди Насриддин Муродов билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Юртимизнинг шифо масканлари хорижий машҳур сиҳаттоҳлардан сира қолишмайди, дейишади.

— Албатта. Республикамизда аҳолини соғломлаштириш учун ноёб табиий иқлим омиллари бор. Бирлашмамиз 20 та шифобахш масканни ўзида бирлаштирган бўлиб, улардан 17 таси санаторий, 3 таси дам олиш уйидир. Булар жами 7160 ўринга эга. Сиҳаттоҳларда табиий шифобахш омиллардан (маъданли сувлар, шифобахш балчиқлар, ҳаво ва сув ҳавзаси)дан фойдаланилади.

Юртимизда минерал сувларнинг ҳамма турларини ўзида муҳассамлаштирган шифобахш сувлар аниқланган. Чунончи, “Чимён” санаторийсидаги “Машеа” суви тоифасидаги водород сульфидли, “Чортоқ”, “Нихол” санаторийсида йод-бромли, “Чинобол”, “Турон”, “Бўстон”, “Ботаника”, “Ситораи Моҳи Хоса”, “Қосонсой” санаторийларида Саки, Евпатория, Маҳачқалъа курортлариникидан қолишмайдиган хлорид-натрийли сувлар топишган. Самарқанд вилоятидаги Абу Али ибн Сино номидаги санаторийда радонли сувлар бор. Республикамиз санаторий муассасалари ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган даволаш-ташхис, амалий ташхис хоналари, клиник ва биоки-

мевий лабораториялар, рентген хоналари билан таъминланган. Сўнгги йилларда пси-


— Худди шундай. Айтайлик, буйрағида сурункали касалликлари бўлган беморларга мўлжалланган “Ситораи Моҳи Хоса”да иқлимий даволаш асосий омил ҳисобланади. “Оқтош”, “Зомин” тоғ-иқлимий санаторийлари шариоатида бронхиял астмалли беморлар даволанади. Иқлим билан даволашда табиий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтида ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланилади. Организмга минерал шифобахш сувлар ва балчиқларни таъсир механизми ўхшашлигини назарда тутиб, уни бальнеотерапияга ҳам киритадилар.

— Касалликни самарали даволашда шифо масканининг ҳам тўғри танланиши муҳим ўрин тутса керак?

— Кўпинча ёшларимиз ўзлари билганича, шовима-шовшарлик, пала-партишлик билан даволашга интилишади. Бу нотўғри. Санаторий-курортда даволаш самардорлиги ва натижаларининг барқарорлиги шифо тадбирларини ташкил қилиш даражасига ва беморларни сиҳаттоҳларга тўғри танлаб юборилишига боғлиқ. Танлаш тартибини Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди ва уни бемор

яшайдиган жойдаги даволаш-профилактика муассасалари амалга оширади. Қолаверса, дам олиш учун Қумушқон, Паркент, Чорвоқ ҳудудидagi дам олиш масканларига йўлланмалар тарқатиш имкониятлари мавжуд.

Наргиза ИСЛОМОВА
ёзиб олди



хо-, рефлекс-, магнито-ва лазер терапияси каби янги даволаш усуллари жорий қилинди. Ўзбекистон санаторийларида иқлимий, кўёш, сув ва балчиқ билан даволашдан кенг фойдаланилади.

— Ҳар бир санаторий муайян хасталикни даволаш учун мўлжалланган бўлса керак?

ЛАЗИЗБЕКНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Жиззах туманидаги Зокир Норматов номли лицейнинг тарбия ўқитувчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Лазизбек Зокиров Хитойнинг Чандинг шаҳрида ўтказилган жаҳон кубоги мусобақаларида муваффақиятли

катнашиб олтин медалга сазовор бўлди.

Жиззахлик боксчи биринчи рингни Африка қитъаси ғолиби - мисрлик Аҳмад Давдал билан ўтказиб, ўз рақибини 16:3 ҳисобида мағлуб қилди. Иккинчи учрашувда

италиялик Ведос Паубердан устун келди. Сўнгги учрашувни майдон эгаси - хитойлик боксчи Абдул Хуки билан ўтказди. У ўз рақибини доғда қолдириб, олтин медал ва жаҳон кубогини кўлга қиритди.

Йўлчи ЖўРА, ЎЗА мухбири

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(29 июндан -- 6 июлгача)

ҲАМАЛ. Душанбада муҳим янгиликдан воқиф бўласиз. Сешанба кўни молиявий аҳволингиз мусбат томонга ўзгаради. Жума ўзаро ҳамкорлик учун қўлай. Фақат якшанбада соғлигингиз учун қайғуринг.

САВР. Ҳафта бошида ҳамма ишларингиз жойида бўлади. Фақат чоршанбада бироз кўнглихиралик бўлиш эҳтимоли бор. Дам олиш кунлари алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

ЖАВЗО. Душанбада бизнес ҳамкорларингиз кўпаяди. Сешанба муҳим янгиликдан хабардор этади. Умуман ҳафта охири сирли учрашувлар, хотираларга бой бўлиши кутилмоқда.

САРАТОН. Яхши дам оламан десангиз душанбани танлаганингиз маъқул. Чоршанбада яқинлар даврасида бўласиз. Бу эса сизга албатта омад келтиради. Шанбадаги муҳим кўнгирикдан сўнг катта бойлик эгаси бўлишингиз ҳеч гапмас.

АСАД. Бу ҳафта боши асаллар елкасига соғлиқ муаммосини юклайди. Касаллик тўғрисида жиддий ўйлаб кўрилса яхши бўларди. Жумада ҳамма хафагарчилик унутилади. Умуман кун аъло даражада ўтади. Якшанбада энг яқин кишингизни кутинг.

СУНБУЛА. Душанба ва сешанбада омад сизни кўлайди. Чоршанба эса сирли учрашувга таклиф этади. Ҳафта охири ҳам сиз кутгандек ўтиши табиий.

МЕЗОН. Ҳафта боши амалга оширмоқчи бўлган ҳамма ишларингиз учун имконият яратиб беради. Жумада кўнам асабийлашманг. Шанбада алданиб қолишдан ҳушёр бўлинг.

АҚРАБ. Чоршанба кўни бироз соғлигингиз безовта қилиши мумкин. Пайшанбада ҳаменингиз тўлади. Жумада дам олишга чиқиш истаги бўлса, ҳеч иккиланманг.

ҚАВС. Душанба қавс учун ҳар галгидек омадли келади. Бу кун қилган харидингиз унумли бўлади. Шу ҳафта ишда кўтарилишингиз учун имкониятингиз борлигини эслатиб қўямиз.

ЖАДЪИ. Сешанба кўни ишхонадаги ўзгаришлар сизга нисбий маънода таъсир этиши мумкин. Жумада соғлиқ учун қайғуринг. Якшанба кўни оила даврасида бўлганингиз маъқул.

ДАЛВ. Ҳафтанинг биринчи кунидасиз муҳим янгиликдан воқиф бўласиз. Пайшанбада кўнлар кутатган одамнингиз билан учрашасиз. Шанбада бироз бетоблигингизни инobatга олмаса, якшанбада ҳақиқий дам оласиз.

ХУТ. Душанбада соғлигингиз учун қайғуринг. Сешанба кўни асабийлашманг. Шунда ҳафта охири сизга ўз мукофотини беради. Пайшанбада катта бойлик эгаси бўлиб қолишингиз мумкин. Ижод учун жума энг қўлай кун.

КИМ КЕЙИН. КИМ ИЛАГАРИ...

Францияда ўтказилаётган Жаҳон биринчилиги гуруҳ баҳслари нихоясига етди. Саралаш ўйинларида муваффақият қозониб энг зўр дея этироф этилувчи 32 жамоа орасидан жой олишга эришган терма жамоаларнинг барчаси ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишди.

Дастлабки икки тур натижаларига кўра Франция, Бразилия, Нигерия, Аргентина, Хорватия ва Руминия жамоалари нимчорак финал ўйинларида иштирок этиши нақд қилиб қўйилганди. Италия-Австрия учрашуви билан эса юқорида санаб ўтилган жамоаларнинг сафига яна кимлар қўшилишини аниқлаб берувчи учинчи якунловчи тур баҳслари бошланди. Бир тур фарқи билан ғалабага эришган италияликлар кейинги босқичга йўл олишди. Параллел равишда ўтказилган бошқа бир учрашувда эса 1:1 ҳисоби қайд этилди. Тўплар фарқидаги устунлигига кўра Чили терма жамоаси кейинги босқичда ўз қитъаси билан бир қаторда “В” гуруҳи шаънини ҳам ҳимоя қиладиган бўлди. Собиқ чемпион устидан эришган ғалабаси туфайли Норвегия, арабларни ЖАР энга олманидан Франция билан Дания, Нигерия доғда қолдирган. Парагвай терма жамоалари ҳам нимчорак финалда тўп суриш имкониятини кўлга қиритишди. Голландия-Мексика учрашувида 2:2 ҳисоби қайд этилган, ушбу гуруҳдан айнан Голландия ва Мексиканинг кейинги босқичга чиқиши маълум бўлди. Кореяликларни мағлуб эта олмаган Бельгия уч очко билан гуруҳдаги учинчи ўринда қолиб кетди. “F” гуруҳидан Германия ва Югославия нимчорак финал ўйинларида тўп суриш бахтига эришишди. Кечаги сўнгги учрашувлар эса гуруҳ баҳсларига якун ясади. Эндиги навбат финал ўйинларига...

Умуман олиб қараганда, “Франция -- 98” беллашувлари бизга жамоаларнинг янги-янги қирраларини очиб берди. Бразилиянинг Норвегияга ютқизиши одатий ҳол эканлиги яна бир қарра исботланди. Эсингизда бўлса, чемпионатдан аввал Норвегия терма жамоаси бош мураббийи: “Тўғри, Бразилия кучли жамоа, лекин бу Бразилия енгилмас, дегани эмас-ку!” қабилдаги фикрнинг исботлашни улдасидан чиқди. Бунга ҳакамнинг ёрдами ҳам сабабдир, Рональдо ўз кучини кейинги учрашувгача асрашга қарор қилганди. Балки бразилияликлар қандайдир “сумма”га сотилишгандир.

Худди шу ҳолатга Нигерия-Парагвай учрашувида ҳам гувоҳ бўлдик “D”нинг даҳшати сифатида айнан шу сўнгги тур ўйинларини, аниқроғи натижаларини кўрсатиш мумкин. Болгарияни 6:1 ҳисобида енгса-да, Испания кейинги асрашга дам оладиган бўлди “Нима қилиб 32 жамоа орасида аралашиб юрибди?” -- дея ажабланиш билан қаралган Парагвай эса яна бир қадам илгари жўнади.

Нигерияни ҳам тушуниш мумкин. Кейинги босқичда улар Данияга қарши тўп суриши керак эди. Аммо бунинг уволига испанлар қолишди. Улар Нигерияни “сотқинлик” учун кечиримасе керак.

Яна бир нарсга этиборингизни қаратишни хоҳлардик. Ўтказилган уч учрашув таассуротида тўхтайдиган бўлсак, ўша афсонавий Бразилия бизда унча катта қизиқиш уйғота олмади. Энг зўр ўйинчи номи остида тўп сураётган Рональдо эса на бирор тузукроқ мўъжиза кўрсата олди, на ўзининг тўпурарлигини намойиш этди. Биласиз, ҳужумчидан талаб қилинадиган асосий нарсаси гол. Рональдо эса бу борада ҳали мақтаса арзигулик кўрсаттичларга эришгани йўқ. Балки кучини кейинги босқич ўйинлари учун асраб тургандир. Аммо бу кўпам ростга ўхшаб кўринмапти бизга.

Нимчорак финал ўйинларида энди қўйидаги жамоалар тўп суришади: 1. Бразилия-Чили, 2. Нигерия-Дания, 3. Голландия-Югославия, 4. Италия-Норвегия, 5. Франция-Парагвай, 6. Германия-Мексика ва 7 рақамли жуфтликлар кеча маълум бўлган.

Чорак финалда 1-2, 3-4, 5-6, 7-8 учрашув рақамли ғолиблари курашишади. Демак, жамоалар орасига аллақачон чиқиқ тортилади. Италия ва Бразилиянинг ўзаро жангини биз энди чорак финалдагина кўрамиз. Германия майдон эгалари билан мабодо учрашадиган бўлса, уни то финал кунигача ҳал қилишади.

Курашлар завқироқ туюлиб борапти. Чиндан ҳам асрнинг сўнгги биринчилиги, ундан кутган қувончларимиз ўлаяпти. Бу эса ХХI асрда футбол биринчи рақамли ўйинчига қолади, дегани. Кўрамиз.

Ҳозирча эса диққат -- этиборни «Франция-98» га қаратиб, улгурганингизча завқланиб, томоша қилиб қолинг. Ахир у бошқа тақдорланмайди!

Абдулазиз РАИМОВ,
“Туркистон” мухбири

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОЛ»
ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир:
Шерзод САЙДАЛИЕВ

ТАҲРИРИЯТ:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Бош муҳаррир ўринбосари — 133-95-97
Қобулхона — 136-56-55
Котибият — 136-58-48

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар йўли,
32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи
назаридан
фарқлиниши мумкин.